

## **F4B1 БЕККРОСС ДУРАГАЙ ОИЛАЛАРНИНГ ҚИММАТЛИ ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИ**

**Ачилов С.Г., Норов Б.Н., Амантурдиев А.Б.**

*Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириши агротехнологияси  
илмий тадқиқот институти (ПСУЕАИТИ)*

Ўзбекистонда пахтачилик соҳасида олиб борилаётган ислохатларнинг асосий вазифаларидан бири, бу-пахта экин майдонларини оширмасдан туриб пахта хом-ашёсининг сифатини ва ҳосилдорлигини ошириш, юқори сифатли уруғлар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, тола сифати ва чиқимини ошириш ҳамда ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳисобланади. Бугунги кунда экилаётган ғўза навлари сув танқислиги ва шўрга бардошли, тезпишар, маҳсулдор тола сифати ва бир қанча қимматли хўжалик белгилари бўйича хорижий навлар билан таққосланганда, ўзининг устунлигини кўрсатмоқда. Сўнги йилларда турли дурагайлаш услубларини қўллаш асосида бой рекомбинантларга эга бўлган оила ва тизмалар яратилган.

Тадқиқотчилар томонидан дурагайлаш асосида ёввойи ғўза турларидаги ноёб белги-хусусиятларни маданий навларга ўтказиш ва генетик жиҳатдан бойитилган, тезпишар, маҳсулдор, тола чиқими ва сифат кўрсаткичлари юқори бўлган ҳамда турли ноқулай шароитларга бардошли бўлган бошланғич ашёлар ажратиб олиш ва уларни амалий селекция жараёнларида фойдаланиш барча қимматли хўжалик белгиларнинг ижобий мажмуасига эга янги навлар яратиш имкониятини ошириш мумкинлигини таъкидлашган.

Аммо ғўзада қимматли хўжалик белгиларининг юқори даражадаги ижобий мажмуасига эга селекцион ашё яратишда қўлланилган мураккаб беккросс, кўш дурагайлаш йўли билан яратилган оила ва тизмаларда қимматли хўжалик белгиларининг барқарорлашувини ва мураккаб дурагайлаш самарадорлигини аниқлаш долзарб ҳисобланади. Ғўзада шўрланган тупроқ шароитида қимматли хўжалик белгиларини ўзгариши унинг биологик хусусиятларига ва шўрга таъсирчанлигига боғлиқ. Бир ёки бир неча ген билан бошқариладиган морфологик белгилар кам ўзгаради. Маҳсулдорлик, тезпишарлик, тола узунлиги, сифати, битта ўсимликдаги кўсақлар сони каби кўп генлар билан бошқариладиган қимматли-хўжалик белгилари кўпроқ ўзгаради.

Бир неча турлар иштирокида олинган дурагайларда қимматли хўжалик белгиларни яхшилаш ва барқарорлашув муддатини қисқартириш мақсадида маданий турларга хос навлар билан беккросс чатиштириш яхши самара бериши олимлар томонидан таъкидланган.

Тажриба ПСУЕАИТИнинг Сирдарё илмий тажриба станциясининг ўрта даражада (0.2-0.4%) шўрланган тупроқ шароитида III қайтариқда қўйилди. Экиш схемаси 90x20-1.

Тажриба даласи Мирзачўлнинг Шўрўзак ботиғида жойлашган бўлиб, эскидан ўзлаштирилган ва сизот сувлари сатҳи яқин (1,5-3,0 м) жойлашган, тупроғининг механик таркиби ҳайдалма қатлами ўрта, пастки қатламлари енгил кумоқдан ташкил топган, кучсиз шўрланган суғориладиган ўтлоқи бўз тупроқлардан иборат.

Ғўза селекцияси бўйича олиб бориладиган тадқиқотларнинг асосий вазифаси-бу эртапишар, серҳосил ва тола чиқими ва сифат кўрсаткичлар юқори бўлган янги навлар яратишдир. Тажрибамизда ўрганилаётган шўрга бардошли (Гулистон, С-5706, С-5707 ва С-5709) навлар вегетация даври бўйича ўртапишар бўлганлиги сабабли тестер сифатида эртапишар тизмаларни чатиштиришга жалб қилдик.

### 3-YO'NALISH: DAVOM ETAYOTGAN IQLIM O'ZGARISHI SHAROITIDA OZIQ-OVQAT XAVFSIZLIGI VA TABIIY RESURSLARNI SAQLASHGA ERISHISH UCHUN AGROBIOLOGIK XILMA-XILLIKDAN BARQAROR FOYDALANISH

Дурагайларда эртапишарликни янада кучайтириш мақсадида оталик сифатида қатнашган тизмалар билан тўйинтирувчи – бекросс чатиштиришлар ўтказилди.

Ажратилган F<sub>4</sub>V<sub>1</sub> дурагай оилаларда бекросс яъни тўйинтирувчи чатиштириш таъсири яққол намаён бўлди. Айниқса бу ҳолат вегетация даврининг (тезпишарлик) ирсийланишида кенг кузатилди. F<sub>4</sub>V<sub>1</sub> дурагай оилаларда тезпишарлик кўрсатгичи 110,0 кундан 114,5 кунгача ораликда бўлиб, андоза сифатида иштирок этган ғўзанинг Гулистон навида вегетация даври бўйича 121,0 кунни ташкил этди. Орадаги фарқ -6,5;-11,0 кунгача эртапишарликни намоён этди.

F<sub>4</sub>V<sub>1</sub> дурагайларидан ажратиб олинган оилаларда тола чиқими сезиларли даражада юқори бўлди. Масалан: О-604 (С-5706 х Т-2674) х Т-2674; О-714 (С-5709 х Т-374) х Т-374; О-716 (С-5709 х Т-2674) х Т-2674 бекросс оилаларда тола чиқими мос равишда 43,5; 43,2; 42,6% ни ташкил этди. Андоза навга нисбатан фарқи +5,5;+6,1;+6,4% бўлди.

Бир дона кўсакдаги пахта вазни ва маҳсулдорлик бўйича О-662 оиласи кўрсатгичи 7,6 ва 191,3 граммни, О-707 оиласи кўрсатгичи 7,3 ва 189,5 граммни ҳамда О-716 оиласи кўрсатгичи 7,3 ва 188,0 граммни ташкил этган бир вақтда Гулистон стандарт нави эса 7,1 ва 137,7 граммни кўрсатди. О-629 ва О-643 оилаларда эса андоза навга нисбатан маҳсулдорлиги анча паст, яъни 5,2 ва 137,3; 6,4ва 142,6 граммни ташкил этди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, дурагай авлодларда бекросс яъни, оталик сифатида қатнашган тизмалар билан тўйинтирувчи чатиштириш ўтказилиши натижасида F<sub>4</sub>V<sub>1</sub> дурагай авлодларида эртапишарлик, бир дона кўсакдаги пахта вазни, маҳсулдорлик, тола чиқими каби қимматли хўжалик белги ва кўрсаткичлари андоза навга нисбатан сезиларли равишда ўзгарганлиги аниқланди.